
БЕШАРИҚДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 6 ТА ЯНГИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Бешариқ туманидаги ўрганишлари давомида “Янги Хаёт” МФЙда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилашга қаратилган янги лойиҳалар билан танишди.

“Покиза” хусусий корхонаси раҳбари, тадбиркор Феруза Каттахўжаева умумий қиймати 7 млрд. сўмлик тиббиёт маркази лойиҳаси ҳақида маълумот берди. Жорий йилда фаолият бошлаши режалаштирилган 100 ўринли ушбу тиббиёт муассасасида 20 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, вилоят раҳбари Бой МФЙда бўш турган бинода ташкил этиладиган, қиймати 5 млрд. сўмлик болалар поликлиникаси ҳамда “Vretebra med” МЧЖ томонидан “Навбахор” МФЙда амалга ошириладиган тиббий хизмат кўрсатиш марказлари лойиҳаларини ҳам кўрди.

Яккатут шифохонаси биноси ўрнида ташкил этиладиган давлат-хусусий шериклик асосидаги даволаш маркази, Файзобод МФЙда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳам вилоят раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тадбиркорларга банк кредитларини олишларида кўмак берилишини айтган Хайрулло Бозоров масъулларга ушбу масала юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-01-23 09:15:57